

ҲУСНИЯ ПАРДАЕВА

ОИЛА БАХТИ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2012

УДК: 151.82

ББК: 87.7

П-21

ISBN 978-9943-08-838-2

Оила бахти – таърифи чексиз, салмоғи ўлчовсиз тушунча. Ушбу китобда оила ва унинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида фикр юритилган. Китобхонларнинг қизиқишларини эътиборга олиб, китоб саҳифаларида мавзуга оид ҳуқуқий қонун меъёрларини беришни лозим топдик.

Ҳар бир мавзу юзасидан ҳаётий мисолларнинг берилиши ўқувчига манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, турли ибратли ҳикоятлар эътиборингиздан четда қолмайди деган умиддамиз.

УДК:

ББК: 87.7

Тақризчи:

Шоҳиста САМАРОВА,

ТошДАУ “Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси”
кафедраси доценти, психология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-08-838-2

© Хусния Пардаева, «Оила бахти». «Янги аср авлоди», 2012
йил.

ЖАМИЯТНИНГ БИРЛАМЧИ БЎҒИНИ

Ишончли қўрғон

Ҳаётимиздаги ҳар бир нарса, воқеа-ҳодисанинг келиб чиқиш сабаби, ўзаги бор. Дунёга келишимиздан токи балоғат давригача, жамиятнинг муҳим аъзоси бўлиб етишгуниimizгача барча-барчаси бир ўзақда — оилада содир бўлади. Оила жамиятнинг шундай муҳим бўғиники, унда аждод ва авлодларнинг давомийлиги сақланади, урф-одатлари, анъаналари амалга ошади. Оиланинг кишилиқ жамиятидаги ўрнини, мавқеини ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайди. Айниқса, бизнинг мамлакатимизда оилага муқаддас маскан деб қаралади ва уни асраб-авайланади. Давлатимизда 2012 йилни “Мустақкам оила йили” деб эълон қилишининг ўзиёқ оилага қаратилаётган эътиборнинг нечоғли юқорилигидан далолат беради.

Ҳеч бир инсонни оиласиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар бир шахс болаликданоқ оила инсон ҳаётида муҳим ўрин тутишини кўриб, англаб улғаяди. Гўдаклигида унинг моддий таъминотчиси, меҳр-муҳаббат улашувчи бўлган ота-онаси унда оила тушунчаси шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Балоғат ёшига етганида ҳам унга руҳан ва моддий кўмакчи бу оиласи, яқинлари эканлигини ҳис қилади. Шахс вояга етди, катта ҳаётга қадам қўйди, энди оиланинг унга кераги йўқ дейиш, нотўғри. У ўқиб, ўрганиб, маълум бир касбни танлаганида ҳам оиласининг кўмагига таянади. Вақти келиб, ўзи ҳам уйланиб, оила масъулиятини ҳис этганида оиласи унга яқин кўмакдош бўлиб қолаверади. Йиллар ёшига ёш қўшиб, қирқ-эллик ёшларни қоралаганда ҳам ана шу оила унинг ишончли қўрғо-

нига айланиб қолаверади. У оғир дамларини ҳам, қувончини ҳам ана шу оиладагилари, жигарлари билан баҳам кўради. Мана, биз, то дунёга келганимиздан сўнгги нафасимизга қадар мана шу оиламиз бағрида бўламиз, унинг қўмагига таяниб яшаймиз. Биз оиладан ҳеч қачон айро яшай олмаймиз. Айниқса, биз ўзбек халқи оилани қадрлаймиз, унинг келажаги учун тиним билмаймиз. Бизнинг саъй-ҳаракатимиз жамиятимиз тараққиётининг, давлатимиз фаровонлигининг асосидир.

Оила жамиятнинг бирламчи бўғини ҳисобланади. Шунга кўра, оила фуқаролик жамиятининг таянч нуқтасидир. Чунки бу муқаддас даргоҳда нафақат инсон дунёга келади, балки у маънан ва ахлоқан тарбия топади. Мамлакатимизда оилага жамиятнинг асосий, муҳим бўғини сифатида қаралади. Соғлом оилавий муҳитни шакллантириш ва шу орқали соғлом авлодни камол топтириш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланган. Ана шу сиёсатнинг ҳуқуқий асоси, биринчи навбатда Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилиши ва махсус «Оила» бобининг киритилишида рамзий маъно бор. Мазкур бобда жамиятнинг етакчи бўғини саналмиш оиланинг жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилган. Шу билан бирга бошқа давлатлар конституциясида кузатилмайдиган, миллий менталитетимизга хос фазилатлардан келиб чиқиб, ота-оналар фарзандларини вояга еттунига қадар таъминлаш ва тарбиялашга мажбурлиги, ўз навбатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилиши конституциявий мажбурият сифатида мустаҳкамланган. Бунга нафақат конституциявий мажбурият, балки инсоний бурч сифатида ҳам қараймиз. Ахир фарзандимиз дунёга келишидан токи вояга еттунига қадар уни кўз қорачиғимиздек асраб-авайлашимиз, вояга етказишимиз, сўнг турмуш қурдириб, уни ҳам катта ҳаётга қадам қўйишига қўмаклашимиз, ҳар

жабҳада унга сирдош-у маслакдош бўлишимиз, йиллар ўтиб, ўзимиз берган меҳрнинг жавобини фарзандларимиздан кўришимиз, уларнинг ҳурмат-эътиборида бўлишимиз, айти ҳақиқат. Таъкидлаш жоизки, оила халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган, ғоят муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир. Конституциямизнинг 63-моддасида оила қадри ўзининг талқинини топган: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади». Шундай қилиб оила бу биз учун ҳар қандай ҳолатда ҳам суянчиқ бўла оладиган, манфаатларимизни, ҳуқуқларимизни ҳимоя этувчи ишончли қўрғон бўлиб қолади. Уни асраб-авайлаш бизнинг фуқаролик ва инсоний бурчимиздир.

Никоҳ ва оиланинг тарихий босқичлари

Ҳаётимиздаги ҳар бир тараққиётнинг ўз тарихий асоси, ривожланиш жараёнлари бўлиши, шубҳасиз. Жумладан, оиланинг ҳам ўз тарихий тараққиёт босқичлари мавжуд.

Ибтидоий жамоа тараққиётининг дастлабки босқичларида умуман оила бўлмаган. Жинслар ўртасидаги муносабатлар бетартиб бўлган. Болалар уруғдошлик кўламида ижтимоийлашган. Яъни уруғдаги болалар ҳамма отанинг, ҳамма онанинг боласи ҳисобланган.

Кейинроқ кўп асарлар давом этган бетартиб алоқалар ўрнини гуруҳ шаклидаги никоҳ эгаллаган. Бу жараён никоҳнинг тарихий шакларини шартли равишда қуйидаги турларга ажратилади:

1. Тартибсиз никоҳ;
2. Гуруҳ шаклидаги никоҳ;
3. Жуфт никоҳ.

Вақт ўтиши билан жамиятдаги эркин алоқалар доираси торайиб борди. Бу никоҳда ҳам ихчамлиликни

талаб этарди. Гуруҳ шаклидаги никоҳ секин-аста жуфт никоҳга ўрин берди. Ўз навбатида жуфт никоҳдан моногам оила юзага келди. Моногам оиланинг пайдо бўлиши буюк тарихий жараён эди. Бунинг аҳамияти шунда эдики, эр-хотин ўз жуфтани танлаш эркинлигига эга бўлди.

Моногам оила пайдо бўлгач, аёл ўзининг аввалги мавқеини йўқотди. Энди у эркакка қарам бўлди. Эр-каклар энди хотин танлашда эркин бўлиб, ўзи истанган аёлни танларди. Эркаклардаги ҳукмронлик ҳуқуқи кўп хотинликни келтириб чиқарди.

Феодализм даврига келиб эса, аёлларни хўрлаш ва тутқунликда сақлаш кескин тус олди. Дин аёлларнинг ор-номусини ва қадр-қимматини таҳқирлади. Христианлик динига асосланган жамият эрнинг хотинига бевафолигини айб санамай, қонунлаштирди. Хотинларнинг эрга хиёнати эса ўлим билан жазоланадиган бўлди.

Буржуа жамиятига келиб эру-хотин ўртасидаги муносабат кескин ўзгарди, шарму ҳаё кўтарилди. Улар ўртасидаги эр-хотинлик муносабатлари, инсоний муносабатнинг қадр-қиммати пул билан ўлчанадиган бўлди.

Бизнинг жамиятимизда эса никоҳ ва оилани муқаддас билиб, унга ўзгача ҳурмат ва эътибор билан ёндашилади. Бунда аввало, эр-хотиннинг тенг ҳуқуқлиги, оила мустақамлигида улар ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлиги эътиборга олинади.

Бир донишманд айтганидек, **ҳеч ким никоҳга киришга мажбур этилмайди, аммо кимки никоҳга кирган экан, у никоҳ қонунларига бўйсуниб мажбур қилиниши лозим.** Оилавий муносабатларда фақатгина севги эмас, шу билан бирга оилага нисбатан бурч ҳисси ҳам муҳим роль уйнайди. Бу нарса севгини кучайтиради, оиланинг ахлоқий негизини мустақамлайди, ўзаро ҳурматга, муносабатларни ахлоқий бурчга қатъий риоя қилишга ўргатади.

Фарзандингиз оила қуришга тайёрми?

Йигит ва қиз бир-бири билан танишди, аҳду паймон қилди. Уларнинг бу келишуви оилани барпо этишга, яъни бундан кейин биргаликда ўз ҳаётларини давом эттиришга асос бўлади. Ғарб мамлакатларидан фарқли ўлароқ, бизнинг давлатда оилага жиддий эътибор билан қаралади. Айрим Европа давлатларида йигит ва қиз оила қуришдан олдин бир оз муддат бирга яшаб, бир-бирларини синайди. Хулқ-атворлари мос тушиб, бирга яшаб кетишларига ишонч ҳосил қилишса, оила қуришади. Бизда эса бу ҳолат мутлақо бошқача. Оила деб аталмиш қўрғонни барпо этмасдан олдин йигит ва қизнинг биргаликда яшашлари ҳаё билан йўғрилган анъаналаримизга тўғри келмайди. Қонунларимизда ҳам, урф-одатларимизда ҳам йигит ва қизни муқаддас никоҳ бирлаштириши, эр-хотин жуфтлигига айлантириши эътироф этилган. Шунинг учун ҳам оилани муқаддас санаймиз, уни тезда бузилиб кетишига йўл қўймаймиз.

Никоҳ – оила вужудга келишининг бирдан-бир асоси. Никоҳда бўлажак эр ва хотиннинг розилиги жуда муҳим. У ошқора тарзда, яқинларнинг розилиги асосида амалга оширилади. Оила кодексининг 14-моддасида “Никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги” қайд этиб қўйилган. Унга кўра, никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади. Бу нафақат демократик давлат тамойили, балки эру хотиннинг келгусида бахтли яшаб кетишлари учун заминдир.

Қиз бола палаҳмон тоши, дейишади. Унинг бўйи етиб қолгач, эшикдан совчилар сўраб келишади. Тагли-тугли, тўкис хонадондан келган совчиларга ота-оналар розилик беришни лозим топишади. Албатта, улар тўкис хонадонда фарзанди бахтли яшашини, унинг оиласи мустаҳкам бўлишини исташади. Шу мақсадда улар кўпроқ фарзандларининг хоҳишларига қулоқ

солмасдан, ўз ҳаётини тажрибаларига, истакларига таяниб розилик беришади. Бироқ ота-онанинг розилиги билангина қизни узатиб юбориш, тўғри эмас.

Оила қуришнинг ҳам ўзига яраша шартлари бор. Бунда қизнинг балоғатга етганлиги жуда муҳим. Қиз болада муомала лаёқати, физиологик балоғатга етганлик белгилари бўлмаса, у оила қуришга тайёр ҳисобланмайди. Бу нафақат қизларга, балки йигитларга ҳам тегишли. Ота-онасининг гапи билан вақтли турмуш қураётган йигитлар ҳам йўқ эмас. Хўш, йигит ва қизларнинг оила қуришга тайёрлигини қандай аниқлаш мумкин? Бунда қайси тамойилларга таянилади?

Психологлар оила барпо этишда муомала лаёқати муҳим эканлигини таъкидлашади. Ота-онанинг хоҳиши ёки ўз истаклари билан турмуш қурган ёш келинкуёвда тўйдан кейин муомала лаёқати пайдо бўлади, дейиш ноўрин. Чунки йигит ва қизда оиланинг соғломлиги, тўқислиги, рўзғори бут бўлиши учун ҳам, муомала лаёқатининг тўлиқроқ шаклланиши учун ҳам **вақт** керак. Муомала лаёқати шахснинг вояга етганлигини билдиради. Вояга етганлик бизда барча манбаларда 18 ёш деб эътироф этилади.

Психологларнинг қузатувида 17 ёшда оила қураётган эр-хотинлар ҳам топилади. Айниқса, қизларни 17 ёшда эрга бериш учраб туради. Орамизда никоҳ қоғозисиз ҳам турмуш қураётган оилалар учрайди. Буларнинг бари йигит ва қизнинг муомала лаёқатига эга бўлмай, оила қуришга тайёр эмаслигини кўрсатади. Бир йилдан кейин 18 га киради, орадаги бир йилнинг қанча фарқи бор, деб ажабланыпсизми? Бироқ ана шу бир йилнинг ҳам инсон руҳиятида жуда муҳим ўрни бор. 17 ёшда йигит ва қизда болаликка хос қарашлар сақланиб қолганлиги кўринади. 18 ёшда эса мустақил шахс эканлигини сезиш ҳисси шаклланади. Бу йигитнинг оилада ўзини эр деб билиши, қизнинг бекаликка тайёрлигини ҳис қилишига асос бўлади. 18 ёшда шахс

балоғат ёшига нафақат физиологик жиҳатдан, балки ақлий, руҳий томондан ҳам етилади.

Ҳаётини мисол: *Бир оиланинг ёлғизгина ўғли бор эди. Узоқ кутилган фарзанд бўлгани учун унга яқинлари жуда меҳрибон эдилар. Ўғил вояга етиб, мактабни тамомлаш арафасида бувиси оғир касалликка чалинди. Ўлими олдидан ёлғиз неварасини тўйини кўришни орзу қилган бувининг гапини ерда қолдириши амри маҳол эди. Тезда қариндошлардан бирининг қизини келинликка танлашди. Бир ой ўтар-ўтмас, кампирнинг аҳволи баттар оғирлашди ва кўзи очиқлигида тўйини ўтишини талаб қилди. 17 ёшли йигит ва 16 ёшли қиз турмуш қуришди. Кўп ўтмай, кампир вафот этди. Яқинлари ўз вақтида тўйини ўтказишганидан, ўлими олдидан оналарининг кўнглини хотиржам қилишганидан севинишди. Бироқ уларнинг қувонишига ҳали барвақт эди. бир оз вақт ўтмай, келин-куёв орасида турли низолар келиб чиқа бошлади. Бу ҳолат кучайиб, олти ой ўтар-ўтмас, келин-куёв ажрашиш қарорига келишди. Яқинларининг маслаҳатлари ҳам уларга таъсир қилмасди. Келин-куёвнинг ёши никоҳ ёшига тўғри келмагани учун тўйдан олдин қонуний никоҳдан ўтилмагани қўл келиб, улар тезда ажрашишди.*

Бир неча ой ўтиб, йигит шаҳарга ўқишга кетди ва иккинчи маротаба уйланди. Кўзи ёриш арафасида турган келинчак эса бевага айланди. Туғилажак бола ота меҳрисиз ўсишга мажбур...

Бундай ҳолат содир бўлишини, фарзандининг бахти кемтик қолишини истамаган ота-она, аввало, тўйдан олдин барчасини рисоладагидек бўлишига амал қилади. Яъни фарзанди оила қуришга, унинг масъулиятини зиммасига олишга тайёرمи-йўқми, шуни аниқлаштиради. Афсуски, барча оилаларда ҳам ота-она фарзандининг оила қуришга тайёрлигини инобатга олмайди. Балки шўх ёки бепарво фарзандини “Оилали бўлса, босилиб қолади” деган мақсадда



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2278> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2278> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2278>